

КОМСОМОЛ ҲАЁТИДА МУҲИМ ДАВР

Шу йил 1 мартдан комсомол ҳужжатларини алмаштириш бошланди. Комсомол XVII съезди ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг II пленуми қарорлари асосида Тошкент об-ластида ҳам комсомол ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик юзасидан конкрет таъиниш ва оммавий-сиёсий ишлар амалга оширилди.

Комсомол комитетлари ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик қилиш жараёнида ҳар бир комсомол ташкилотиде юксак меҳнат кўрсаткичига эришиш учун қўшниқлик, комсомол аъзолари олган социалистик мажбуриятларни бажаришлари, ўз коллективининг иқтисодий-сиёсий ҳаётида актив иштирок этишлари алоҳида эътибор берилди. Комсомол мажлисларида ҳужжатларини алмаштиришга ҳозирлик қилиш вақтида барча весталардан тўғри фойдаланиш, комсомол ишлари форма ва методларини такомиллаштириш тўғрисида қизғин фикр олинди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг III пленумида, Ленин комсомолы — беш йилликнинг якуловчи йили зарбдор оғди, деб эълон қилинган эди. «Зарбдор меҳнатини Ватанга, ишчи сифатини бажаришга, аҳоли ҳаётига» шiori остида ўтказилган Бутунитифоқ комсомол мажлисларида област-миз йилнинг қизилларидан 450 минг киши қатнашди. Улар 11.

III пленумида бошланган ташаббусни қўллаб-қувватладилар. 22 минг ёш ишчи туққизинчи беш йиллик тошйирқларини муваффақият билан адо этди. Ҳозирги кунда 3 мингдан ортиқ комсомол-ёшлар коллективлари беш йиллик ишларини адола-тидан илгари бажаришга бел боғлаганлар ва пахта, макка-жўрчи, соёбот, мева экинла-ридан юқори ҳосил еттиштириш учун курашмоқдалар.

Ёшларни рағбатлантириш-нинг турли хил формаларида фойдаланилмоқда. Социали-стик мусобақада голиб чиққан-лардан 150 йилгит-қиз Галаба Байроғи ёнда суратга тушиш шарафига мусасар бўлди. Ўз сафарида 15 минг илгор иш-чинни бирлаштирган 120 эл-хис комсомол-ёшлар коллек-тивлари эса бир неча билим юртини олалиқчи олдилар.

Бир гуруҳа ёш москвали-лар «Беш йиллик маршаси — мундандан илгари ақалла-на» деб, «Барча гайратини меҳнат галабасини таъ-минлашга» шiori асосида ташаббус бошлаган эдилар.

Комсомол ташкилотлари бу ҳаракатни актив қўллаб-қувват-лаб, йил-йили ташаббусларини амалга оширмоқдалар. Шунинг-дек, жойларда совет халқининг немиш фашистлари устидан қозонган Буюк Галабасининг 30 йиллиги шарафига «Ушм ва ўша йилгит учун» ҳаракати ҳам кучайиб кетди.

Жуда кўп ишлаб чиқариш илгорлари ва бутун-бутун кол-лективлар 9 майга қадар ўз зиммаларига олган беш йиллик план-тошйирқларини бажариш-га сўз бердилар. Бу ишда кўн-гина комсомол комитетлари, со-биқ жангчилар, Улуғ Ватан урушнинг қатнашчилари бўл-ган меҳнат ветеранларининг ёрдамига таянмоқдалар. Улар билан урчулш ва суҳбатларга «Жасорат сабоқлари» деб қара-моқдалар. Област комсомол комитети комсомол активлари-нинг асосий диққат-эътиборини ҳар бир ёш йилгит-қиз билан

КОМСОМОЛ ҲУЖЖАТЛАРИ НИ АЛМАШТИРИШ БОШЛАНДИ

пукта танишиш, уларнинг ору-истаклари, ўйларини билиб олиш учун барча имкониятлар-дан фойдаланишга қаратмоқ-да. Цех, аудитория ва ётоқча-наларда ўтказилаётган суҳбат-лар комсомолларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан яхши танишиш, лозим бўлган-да ёрдам уюштириш имкония-тини бермоқда. Оқибатда, ҳар бир комсомолнинг имконияти, майли, қобилиятига яраша умумлаштириш йўлида баранка меҳнат қилиш учун шароит яратилмоқда.

Комсомол ҳужжатларини ал-маштириш жараёнида ёшларни голий чиниқтириш масаласига ҳам жиддий эътибор берилди. Янги ўқув йилида комсомол сиёсий маориф системасида марксизм-лениннинг актуал проблемаларини ўрганишчи йил-гит-қизлар сафи кенгайди. Ҳо-зирги кунда 5934 йилгит-қиз ВЛКСМ XXIV съезди қарорла-ри, партиянинг ҳужжатларида илгари сурилган назарий ҳуло-са ва қондаларни ўрганимоқда-лар.

Комсомол ташкилотлари ёш-ларга комсомол тошйирқлари бериш ишига икжодий мусо-бақа бўла бошладилар. Бунда ҳар бир ВЛКСМ аъзосининг имконияти, қобилияти ҳи-собида олинмоқда. Шунинг

учун ҳам комсомол ички ҳаёти-миг мазмун бийди. Жуда кўп комсомол йилгит-қизлар ўз ташкилотларининг иқтисодий-сиёсий ҳаётида актив қатнаша бошладилар. ВЛКСМ сафари мустақамлаиди, комсомолнинг партия жағвор резерви сифа-тидаги роли ўсб бормоқда.

Комсомолда меҳнат қилаёт-ган ва ташкилотчилик ҳамда тарбиявий-сиёсий ишларни олиб бораётган коммунистларнинг са-фи кўнайд. Умуман олган-да, област комсомол ташкило-тида партия лароси ўтган йил-даги қараганда 1,5 баробар ўсди ва у 2,4 процентни таш-кил этди.

Чирчиқ шаҳар комсомол ко-митети, Киров район комсомол комитети ва В. П. Чкалов но-мидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташки-лотлари областа биринчи бў-либ ҳужжатларини алмаштириш-ни бошлаб бериш шарафига мусасар бўлдилар.

Меҳнатда алоҳида ўрнқ кўр-сатётган комсомол-ёшлар на-мунаси бошқаларни ҳам руҳ-лантирмоқда. «Ўзбекхимваш» заводида коммунистик меҳ-нат зарбдори А. Иўлошев бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш учун кураш-моқда. Шу заводнинг тоқари А. Бедоказо ҳозир 1975 йил март ойи ҳисобига меҳнат қилаётир. ВЛКСМ XVII съездининг деле-гати, (Тошкент) авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг сле-сари Ю. Коробейников намуна-сига кўпчилик эргашмоқда.

Комсомол ҳужжатларини би-ринчи бўлиб аша шу сингари пешқадамларга тошйирлади. Бу ишчи меҳнат, комсомол ве-теранлари, Улуғ Ватан уруши-нинг қатнашчилари, район, ша-ҳар комсомол комитетларининг секретарлари бажарадилар.

В. П. Лениннинг сиймоси туширилган комсомол билетни олиш ҳар бир комсомол учун юксак шарафдир.

Ҳамма ерда бу муҳим ишчи-гит уюшқонлик билан ўткази-лишини таъминлаш — ҳеч шубҳасиз, комсомол ташкило-ларининг жағворларини қобили-тини кучайтириш, партия қар-орларини ҳаётга муваффақият-ли талбиқ этишда ёшларнинг куч-гайратини жўш урдируви муҳим омил бўлади.

В. ЛОЗИЦКИЙ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тош-кент област комитетининг секретари.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номи-ти туғилган фирмаси бир неча ой-дир, маҳсулот сифатини назорат қилишнинг янги системаси асоса-да иш юртимоқда.

Бунинг натижасида ишлаб чи-қариётган халқ истеъмоли молла-рининг қўрилиши яхшиланди, си-фати ошди. Маҳсулот ишлаб чи-қариш ҳажми ҳам ўтган йили 10,5 процент кўнайд. Корхона маъму-рияти, партия, касба союз ва комсомол ташкилотларининг иш-лаб чиқаришнинг замонавий техника билан қўролланган жиддий эъти-бор бераётгани туфайли эса, меҳнат унумдорлиги ўтган йили 11,9 процент оғди.

Холбуки, янги йилларда ҳам бу корхонада тайёрланаётган ил-мларнинг сифатсизлиги сабабли са-до тармоқларидан қўллаб рекла-мациялар олинари, харидорлар-дан тез-тез шикоятлар келиб ту-рарди. Бу нуқсонларни бартараф этиш учун, дастлаб, уларни келти-риб чиқариётган асосий сабаблар синчилаб ўрганиб чиқилди. Сун-га коллектив ўртасида «Кам қар-ажат қилиб, қўллаб сифатли маҳ-сулот берамиз» шiori остида ма-хсус таълим мусобақа аъло-ри бўрилди. Фирма партия ташки-лотлари билан биргача «Хурмат тахтаси»га беллади. Юқори сифат-ли маҳсулот ишлаб чиқарганлар

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

ёса, пул мукофоти билан тақдир-ланадилар.

Корхона бўйича 230 га яқин тикуччи шахсий беш йиллик план-ларини бажариб, ҳозирда ўзинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қи-лмоқда.

Яқинда корхона коллективининг умумий йиллигида туққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи сун-ги йили «Сифат ва самарадорлик йили» деб эълон қилинди. Бу та-шаббусга «Қизил тоғ» ва трико-таж фирмалари коллективлари ҳам имзо қекди. Ташаббус шаҳар пар-тия комитети томонидан маъқу-ланди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш-нинг яна бир муҳим омил фан-

техника ютуқларидан самарали фойдаланишдир. Шунинг учун бу соҳага ҳам жиддий эътибор бери-лаётир. Зафарларга бой бўлган белгиланган йил ютуқлари асосида фан ва техника йилликларида тула фойдаланиш, янги прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишчилар сонини кўзайтирмаган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган йил-даги нисбатан етти процентга кўзайтириш кўзда тутилган. Та-йириб, тайёрлов, бичиш-комплект-лаш цехларида кўнгина иш жара-янларини механизациялаш ҳам тайёр маҳсулот сифатини янада яхшилайди, меҳнат унумдорлиги-ни оширади.

1975 йилда тайёрланаётган маҳ-сулотнинг деярли олтинчи беш процентини янгилади. Фирманин-г учинчи цехи коллективи 1975 йилда фақат аҳоли сифатли маҳсу-лот ишлаб чиқариш мажбуриятини оғди. Коллектив ҳозирда «Аҳоли сифатли маҳсулот берувчи цех» номини олиш учун қизғин кураш бошлаб юборди.

Ю. ЗИНЕВ.

БАЙРАМ СОВҒАСИ


Пойтахтимиздаги парфюме-рия фабрикасининг ишчи ва хизматчилари 8 март байра-мига атоб янги хил аттир-уна чиқармоқдалар. Ҳозир фабри-ка коллективи 80 хилдан ор-тик маҳсулот тайёрлайти. Улар орасида «Ўзбекистон» ду-хис ва «Ўзбекистон» номи аттирлар термаси бор. Бундан ташқари, «Пахта байрами», «Ширин», «Дилором», «Лайли» каби хушбўй аттирлар қўллаб сотувга чиқарилаётир. Шу ой-нинг охирига бориб «Лола», «Кўк гўлбаз», «Наргис» каби янги хил термалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Бекобод шаҳридаги «Октя-брь» кўчасида янги маншй хизмат комбинати ишга туши-рилди. Бино икки қаватли бў-либ, аҳолига ҳозир олти хил-дан ортиқ хизмат кўрсатишмоқ-да.

Бу ерда бичиш-тичиш, пой-афзал, радиоприёмникларни ре-монт қилиш ишлари бажариш-моқда. Яннидан бошлаб электр даэмоллар, илссос, кир юши машиналари, холодиқлик ва те-левизорлар ремонтини учун ҳам буюртмалар қабул қилина бош-ладди.

Тўй маросимларини ўтказиш учун зарур бўлган рўзгор буюмлари прокат пункти ҳам очилди.



ТОШКЕНТ қон қуйиш институтида бир неча бўлим бор. Болалар қон касал-лиги бўлими фаолияти ҳам кенгайиб кетди. Умида Толипова ҳам шу ерда лаборантка бўлиб ишлайди.

Суратда: ўртоқ У. Толипова иш устида.

Ж. Тўраев.

БИРИНЧИ БЎЛИБ

Владимир Ильич Ленин мар-казий музейининг Тошкент «Йи-ла» 1 март кун Ўзбекистон пой-тахти йилгит-қизлари учун улак воқеа маспани бўлди. Киров район комсомол-ларидан бир гуруҳасига таъналли назарда янги комсомол ҳужжатлари тоши-рилди.

Тошкентдаги учинчи босмахо-на ленинчилар Дилором Ху-добердиева бу кунин умр бў-ли эсда сақлади. У шу ерда, музейда муқовасига ёшларнинг элг ахши дўсти бўлган Ильич портрети туширилган билет ол-ди. Д. Худобердиева оранжиб кутилган ана шу кунга муносиб меҳнат совғасини тайёрлади. Беш кунлик тошйирқини турт-кунда бажариш мусобақасининг ташаббускори бўлган бу киз кол-лективда элг ахши касб эгеси номига сазовор бўлди, респу-блика социалистик мусобақаси-да голиб чиқди.

Дилором янги комсомол би-летини кўксига босиб, бу юксак шарафин Совет Ватани фар-ворлиги йўлида финдорона меҳнат қилиш билан оқланга ҳаракат қилаётганини туққизла-ниб айтди.

Шу кун Сардор Алиқиров, Асия Кадиева, Шоҳида Бой-матова ҳамда босмахонанинг бошқа меҳнатчилари ҳам янги нусхадаги биринчи комсомол билетларини олдилар. Шу кунга Тошкент авиация заводида ҳам янги комсомол билетлари топ-ширилди.

УНУТИЛМАС СОЛНОМА САҲИФАЛАРИ

Октябр Революцияси номи-ти тelloвoзoвoғoи ремонти заводи музейининг йилларида Тошкент бонг темир йул устакхоналарида 1905 йилнинг Февраль забас-товкалари етимиш йиллигига ба-ғишланган тематик экскурсия-лар ўтказилди. Ана шу экс-курсиялардан бири — Тошкент ҳунар-техника билим юрлари мастерлари ва тарбиячиларнинг экскурсиясида кекса коммунист заводининг тақрибали ишчиси К. М. Ригини экскурсиячиларга раҳнамоллик қилди.

Музейдаги ҳужжатларнинг далолат беришича, Февраль забастовкасида бу ерда шу аер-нинг бошларда вуқудга кел-ган РСДРП тўғарилган социал-демократлар раҳбарлик қилиш-ган. Экскурсия иштирокчилари самодержавиеини ағдариб таш-лашга даъват этган варақалар, ноидр фотосуратлар билан та-нишилди.

(ЎзТАГ).

...Ўзхура хола одатдагидай бу-рун ҳам барвақт уйғонди. Сано-барнинг «Ойини», эрқалаб ту-ришини биланок мени ҳам уй-готини, жонаш олдидан раҳба-рийга донадимни ана бир бор кўрсатиб олмақчиман», — дега-ни эсига тушиб, қизининг хона-сига ўтди.

Куннинг беришганига қара-май, чирок ёниқ. Хонтахта у-сти тула китоб, дафтар, Сано-бар бир қўлида қалам, дафтар бетидиғи иккинчи қўлига боии-ли қўйганча ухлаб ётибди. «Ке-час билан ўхламабди», — ҳа-лидан ўтказди она. Санобар-нинг туғилган сочларига, увуи иприкларини соя ташлаб турган юзига меҳр билан тикилиб, би-роз турди. Уйғотишга кўзи киймади. «Бирпас бўлса ҳам ором олсин».

Бу тиниб-тинчимас қиз беш йилдирки, қўлига тунини тонгта улаб, китоб титилайди, ёзади, чизади. Унга ўхшаб институтда ўқиётганлар йўқми? Дугонала-ри, қўни-қўшниларнинг қизлари ҳам ўқишайлик! Бу бўлса ортаю-кеч институтда. Хали дарс, хали таърибга, хали тад-қиқот дейди. Китоб устида муқ

ЁШЛИК—ИЖОДКОРЛИК

тушгани-тушган. Мана, энди студентлар илмий жамияти уни Каунас шаҳридаги студентлар-нинг илмий конференциясига йўллаётган эмиш...

Чўчиб, бошини кўтарган Са-нобар, наришда унга қараб турган онасини кўрдию, апи-латил ўрнидан турди:

— Ойини соат неча бўлди? Нега барвақтқор уйғотмади, илғи?

— Кечас билан ухламаб-сан-ку, болам?

— Ухладим, ойини, кера-ғига ухладим, — деди-да хон-тахта устидаги китоб-дафтар-ларини йиғиштира бошлади...

Алефтина Александровна Геллер шогирдини мамун қар-ши олди.

Устозининг кайфияти яхши-лигидан далилланган Санобар тадқиқотини яна бир бор таж-

ТОЛАЛАР

Лавҳа

риба қилиб қўрилиши айтди.

— Майли, — деди Алефтина Александровна.

Яна нитрон тоалари кумуш нитрат эритмасига тушди.

Эритмалар концентрацияси ўл-чанди. Тоаларнинг кумуш эритмасида бўлини кузатишди.

Таърибга яна аналитик му-ваффақият чиқди. Устоз ва шогирд бир-бирларига қараб, мамун жилмайиб қўйишди.

Кўп ҳаёлотчанаверма, доклининг пукта, мазмунан қи-зиқари, тадқиқот-таъриббала-ринг мукамал, — деди Алеф-тина Александровна.

Каунас шаҳрида ўтказилган студентлар илмий конферен-циясининг химиявий тоалар секциясида студентлар илмий жамиятининг актив иштироки-си Санобар Комбарованинг «Ку-муш нитрат эритмасида нитрон толасининг бўлини» деган те-

мадаги илмий доклади эўр қи-зиқиб билан тингилди. Кон-ференцияда қатнашаётган на-унаслик олимлар Санобарнинг тадқиқотини юқори баҳоладди. Бу—йиллар давомида ўқиб, ўр-ғаниш, илганишини маҳсул-ни эди...

Ҳозиргача у мустақил бир-неча илмий тадқиқот ишларини бажарди. «Нитрат толасида мис комплексини қиратиш», «Нур-ларга чидамли бўлган тола олиш» каби мавзулардаги иш-лари олимлар эътиборига сазо-вор бўлди.

Химия фанини севиб қи-лишмида мактабдаги ўқитувчи Зибуддин Курбоннинг ҳи-саси нагга, — ҳикоя қилади Са-нобар. — Зибуддин ана дарс-дан ташқари қўшимча соатлар-да туғилганчи соҳасининг ри-вожланишида химиявий тола-ларнинг роли ҳақида биз би-

дан қизларди суҳбатлар ўтга-зардилар. Химиявий тоалар-дан нафис матолар туқиб мум-килигини, даставвал Зибуд-дин акадан эшитганмиз.

Санобарнинг тоаларга шай-доллиги 1968 йили ўрта мактаб-дан аҳоли баҳолар билан битир-гандан сунг Тошкент туғилма-лиги ва енгил саноат институти-нинг химия-технология факул-тетига етказди.

Ленин стипендианти Санобар Компова гуруҳидаги аҳоли стўдентлар билан бирга Чехос-лованияда практикада бўлди. Тиришқоқ, билимга чанқоқ қиз Чехослованиянинг бир неча ша-ҳарларидаги «Силон» ва «Те-сия» тоалари заводларида бўлди. Чех толашуносларининг таърибларини ўрганиб, бой таассустот билан қайтди.

Студентлик иллари ҳам орта қолди. Институтини му-

ваффақиятли тугаллаган Сано-барни ўзи тахсил кўрган юқо-ри молекулали бирикмалар технологиясини кафедрасида олиб қолди. У ҳамон яшайди. Итилганга толе йр, лангилар. Дюент А. Юнусов раҳбарлиги-да ўтаётган таъриблари бир-мунча яхши натижалар бермоқ-да. Иллалардн ипак тода олиш жараёнида жуда кўп чиқинди қолади. Санобар мана шу чи-қинидан ипак тода олиш ус-тида тинмай иш олиб бормон-да.

Ўзбекистон ёш олимларининг II-республика конференциясига Санобар ҳам қатнашди. «Нит-рон тоаларини марганец, ро-надий, волфрам тузалари ёрпа-мида никлодатсион модифика-циялаш» темаси бўйича ялмий доклад қилди. Унинг доклади юксак баҳоланди. У Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги билан тақдир-ланди.

Толалар шайдоси Санобар Комилова фан йўлида дадил оқилмоқда. Бу йўлда унга ижодий баркамоллик тилаймиз.

Г. ФАЙЗНЕВА.



ТОШКЕНТ чинни заводи коллективи фашистлар Гер-манияси устидан қозонилган Буюк Галабанинг 30 йил-лиги шарафига зарбдор меҳнат вахтиси эълон қилиб, қувончли натижаларга ёришаётир. Улар маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажминини кўзайтириш билан бирга сифати-ни яхшилашга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Су-ратда: Буюк Галабага атоб чиқарилаётган чойнак-пиё-лаларнинг янги хиллари.

ЗАВОДНИНГ бонг расмони Ботир Собиров билан ба-дий лаборатория бошлиғи Хамидилла Рихсиевлар Буюк Галаба ҳақида ҳикоя қилувчи тасвирлар туширилган чиниларни кўздан кечирмоқдалар (чапда).

Г. Эгамбердиева фотолари.



ИЛҒОР ЦЕХНИНГ

ИЛҒОРЛАРИ

ЛКСМ Марказий Комитети-нинг партияга, совет халқига Мурожаатдан илҳомланган Тошкент агрегат заводининг коллективини энгмага оширил-ган мажбурият олиб меҳнат қилмоқда.

Айниқча 20 пех ишчи ва хизматчилари бажарган ишлар диққатга сазовордир. Ишда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш ҳисобига вақтдан ўзиб меҳнат қилаётганлар са-фи тобора кенгайиб бормоқда. Фрезерчилардан Р. Хамидул-лина, Ф. Тўлағанжўраев, то-кар М. Митранов, буюқчи Л. Герасина каби ўнлаб ишчилар ҳозирда ўзинчи беш йиллик ҳисобига ишлашмоқда.

Илғор токар, социалистик мусобақа аълочиси Константин Федорович Тен номига ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Техникадан намунали фойдала-ниш ҳисобига меҳнат унумдор-лигини ошираётган бу зарбдор ишчи ҳозир 1977 йил план-тошйирқларини тугаллаш ара-фасида.

— Мен ишлаб чиқарилаёт-ган «ХТ-40—112» марнади


деталга давлат Сифат белгиси берилган, — дейди биз билан суҳбатда К. Тен. — Ўтган йил меҳнат вахтасида шу марнади деталлардан 16.200 дона иш-лаб чиққан эдим. Якуловчи йилда эса 17.650 та детал тай-ёрлаш мажбуриятини оғди.

К. Тен шогирд еттишларидан ҳам ном чиқарган устозлардан. Унинг шогирдлари, илғор то-карлар Ренат Ҳасанов, Генна-дий Горбачёвлар устози на-дан бори меҳнатда яхши му-ваффақиятларни қўлга кирит-моқдалар. Улар ўзинчи беш йиллик ҳисобига шахсий мия, бурит олиб меҳнат қилаётган-лар сафидан ўрин олганлар.

Владимир Успенский Кон-стантин Теннинг мусобақасини. У корхонада фақат аҳоли сифат-ли маҳсулот ишлаб чиқаришда ном чиқарган токарлардан. У ўзинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Цех коллективини якуловчи йилда 812 минг сўмлик маҳсу-лот реализация қилиб, йиллик планни 18 декабрда тугаллашга сўз берилган.

А. КҲЧИМОВ,
А. АҲМАДАЛИЕВ.



ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» кўлхонининг тендида парник хўжалиги сабаботкорлари баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлашга 40 минг туздан ортмиш ҳар хил сабабот кўчатлари тайёрладилар. Суратда: кўчат тайёрлаш секциясининг умумий кўриниши.
Ф. Абдураҳмонов фотоси.

КҮРКАМ БИНОЛАР

«Юнусов» номли яраша кўч сайин оқиб ва кўркам масонга айланиб бормоқда. Ҳар йили масонда бир мактаб, уч богча-яшил ишга тушмоқда. Бу ерда яна бир йўлга учта ички қаватли, 280 ўринли болалар кўлибати ва бағрига ариқтойларни қабул қилди. Бу кўлибатидаги ҳар бирга 38—40 минг сўмлик ўқитишлар сотиб олиниб, ариқтойлар иштирокида бериб қўйилди.

Шу кўнларда 1586 ўринли лиси мактаб ойнасининг биринчи қаватиди иш қилиб боришти. Байроқдор 159-трестнинг 22-қўрилиш бўлими ва кўркамнинг А. Юнусов, В. Воронин бошлиқ бригадалари ўртасида мусобақа қилиниб юборилди.

С. СУЛТОНОВ, ўқитишчи.

ГЕКТАРИДАН 100 СЕНТНЕР УЧУН

Маккажўхори комсомол-шларнинг оталиғиди экин бўлиб, биз бир неча йиллардан бери бу экидан мўл ҳосил етиштириб, қорвчиликни сифатли ет-хашак билан таъминлашга баракали ҳисса қўшиб келмоқдамиз. 1974 йилда 20 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 90 центнердан ортиқ дон ва 32 гектар ердан саноат учун экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 600 центнердан кўпроқ олган эдик.

Кўлхонинида қорвчилик йил сайин ривожланиб бораётгани, сипарлардан қўлаб сут соғиб олишга қарор қилинганлиги туфайли бу йил кўлхон правлениси 40 гектар ерга дон, 15 гектар ерга саноат учун маккажўхори экишга қарор қилди. Бу экин майдонлари бизнинг бригаданимизга бериб қўйилди. Бригаданимизда олти киши меҳнат қилди. Эргаш Шоназаров ўз агрегати билан ерин экишга тайёрлаш, экин, қатор орала-рига ишлов бериш, озиқлантириш ва илҳом маккажўхорини ўриб-йигиб олиш ишларини бажарибди. Олти кишининг 55 гектар ерга деҳқончилиги қилини-

да бу механизаторнинг ҳиссаси каттадир. Бригаданида Малика Аъзамова, Зухра Комилова ва мен уччамиз. Ёш ишчиларни дастлабки кўнларда парварши қилиш ва бошқа барча ишларда актив қатнашамиз. Мен расмий жихатдан бригада бошлиғи ҳисобланаман, шу исқала дугоним билан далада баб-баравар меҳнат қиламан. Бригадани ишларини ташкил қилишдан ташқари бошқа вақтда ҳам ишлар далада бўлганда.

Бригаданимиз суварчилари Собир Акбаров ва Абдул Қўчқоровлар экинларни қондириб сугорилган катта таърибга эга. Ҳозир кўзда яхшилаб шуд-горлаб қўйилган даладаги маҳаллий ўғит чиқариш давом этипти. Сугорил шохобчаларини тозалаш ишлари тугалланди. Қўзда ҳар гектар ерга 60 килограммдан суперфосфат соғиб қўйилган эди. Сифатли шудгорланган далада тупроқ унмуддор бўлиб етилмоқда.

Биз ҳар йили — ВПР — 338 ТВ нави маккажўхорини уруғини ямазим. Бу нав серхосил бўлиб ўсади. Ўтган йили маккажўхорини 23 март — 1

апрель кўнлари экиб бўлган эдик. Бу йил ҳам шу мuddатда экин экишни мўлжаллашимиз. Партия ва ҳукуматимиз биз қишлоқ хўжалик ходимларидан экинларнинг ҳосилини ошириш ва қорвчиликдан мўл маҳсулот олишга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида ҳам, Бутуниттфоқ қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мусобақаси тўғрисидаги қарорларида ҳам ана шулар таъкидлаб ўтилган.

Бригаданимиз маккажўхори-корлар партия ва ҳукуматимизнинг даъватига жавобан тўққинчи беш йилликнинг яку-ловчи йилида ҳар гектар ердан 100 центнердан ортиқ маккажўхори дон ва гектаридан 600 центнердан саноат учун қўпо-лозими юзасидан ўз зиммаларидаги вазифаларини шараф билан бажариш мақсадида қай-рат билан меҳнат қиладилар.

Тамара ШОГИНОВА, Оржоникидзе районидagi «Коммунизм» кўлхон маккажўхорилик комсомол-шлар бригадасининг бошлиғи.

Олмалиқ-Буюк

Ғалабанинг

50 йиллиғига

БРИГАДАНИНГ

ФАҲРИЙ АЪЗОСИ

Олмалиқ мебель фабрикасининг коллектив аъзолари со-нин ўтган ҳафтада яна бир иш-ишга қўйилди. Улар Ватан уру-ши жангарида актив иштирок-етган. Ватанимиз тупроғини фашист босқинчиларидан тоза-лаб жангларда мардларча ҳалок бўлган Илья Ершов бу корхонада сағға турди.

Коммунистик меҳнат зарбод-ри Шамил Кавеев бошчилик қилаётган комсомол-шлар бри-гадаси корхонада пешнадам коллективлардан бири ҳисоб-ланади. Улар қўнлик ва ойлик тошхирларини мунтазам ра-вишда 120—130 процентга ет-казиб бажаришмоқда. Азамат-лар тўққинчи беш йилликнинг белгиловчи йили планини сентябрь ойида адо этипти.

— Москвалик Игорь Скри-пник ва Ирина Бондаревалар-нинг «Ўзим учун ва ўша йигит-учун» шиори остида ишлаш ташаббуси айни бизнинг ҳам мўлдоми. — дейди бригадир Ш. Кавеев. — Улар Ватан уруши йилларида жасорат на-муналарини кўрсатганлар хоти-расини аълолаш ҳар бири-мизнинг мўлдатаси бўрчимиз. Биз олмалиқлик жангчи Илья Васильевич Ершовнинг бригада-мизга фахрий аъзо қилиб ол-дик.

Энди бу коллектив 4 киши-дан иборат: Ш. Кавеев, Г. Ша-нер, С. Қоржақонов ва И. Ер-шов. Улар аниматга оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, смена тошхирларини 135 процентга етказиш ва ярим йиллик планни 9 майда бажаришга аҳд қилдилар.

ШАҲАР ЧИРОЙИ

Шаҳарнинг барча саноат кор-хоналарида ва ташкилотларида Ғалаба байрамига қизғин тай-ёгарлар қўнмоқда. Цехлар, бригадалар, айрим ишчилар оширилган социалистик мажбу-риятлар қабул қилиб ишлаш-лти. Шунингдек, клубларда, маданият муассасаларида Буюк ғалаба юбилейига бағишлаб лекция ва суҳбатлар ўтказил-ляпти.

Шаҳар ижроия комитети-нинг архитектура бўлимида бадий кенгаш ташкил қилин-ди. Кенгашнинг биринчи йи-гилиши ғалабанинг 30 йиллиғи шарафига шаҳарни безатиш масалалари муҳомада қилин-ди. Кенгаш аъзолари жадал-ий бошлаб юбордилар. Цехлар, бригадалар, айрим ишчилар мардона жасоратини акс эттири-шчи плакатлар, шиорлар, стенд-лар тайёрлашмоқда.

ЮКСАК ШАРАФ

Мис эритиш заводи комсо-мол-шлар бригадасининг груп-па комсори Надежда Тран-дина яқинда Москвадан қайтиб келди.

Мамлакатимизнинг минглаб комсомоллари Буюк ғалаба-нинг 30 йиллиғи шарафига зарбдор меҳнат вақтисига ту-риб ишлаб, яхши ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу бора-да энг яхши натижаларга эришган йигит ва қизлар Мос-квда, СССР Қўроқли Кўчлар-рининг Марказий музейидаги гулаб байроғи ёнида сураатта ташкил ҳукуқига эга бўлишлар. Ана шуларнинг орасида олма-лиқлик Н. Трандина ҳам бор эди.

Надя оператор бўлиб ишлай-ди. Отақалб қиз меҳнатсепар-лиги, жамоат ишларида актив қатнашини, пешнадамлиги бил-лан коллектив ҳурматиини қо-зонган. У ўтган йили Ўзбекис-тон Компартияси ва республи-ка олтин бийиқлиги шарафига социалистик мусобақада қо-ноиб қишлоқлик учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ер-лиги билан тақдирланди. Москваликларнинг «Ўзим учун ва ўша йигит» учун» ташаббуси биринчилар қатори қўла-б-қувватлаш смена кол-лективни, ақойиб меҳнат зафар-ларини қўлга киритмоқда.

Х. ОЛИМЖОНОВ.



В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ ЯПОН ТИЛИДА

ТОКИО, (ТАСС). Токио ма-газинларида В. И. Лениннинг япон тилига таржима қилинган «Философия дафтарлари» китоби нийдо бўлди. Бу китобни мамлакатдаги энг йирик наш-риятлардан бири — «Иванами Сетэн» нашриёти босмадан чи-қарган.

Бу дейишди ТАСС мухбири-га «Иванами Сетэн» нашриёти-га, В. И. Лениннинг биз нашр-етган биринчи асари эмас. Биз Японияда Лениннинг дастлаб-ки китобини 1929 йил 25 апрелда чиқарган эдик. У Ле-ниннинг кенг машҳур бўлган «Импрериализм капитализм-

нинг юқори босқичи» деган асари эди. 47 томдан иборат «В. И. Ленин тўла асарлар тўламини» 1953 йилда япон тилига таржима қилинган ва нашр этишга киришилди. 1969 йилда тугалланди. Бу тўламини «Олтин сета» на-шриёти чоп этди.

Шу нашриётнинг ўн 1973 йилда В. И. Лениннинг 12 том-ли танланган асарларини нашр-етганини илҳомига етказди. Бу ерда яқинда Лениннинг «Еш-лар союзининг вазифалари» де-ган асари алоҳида китоб қилиб чиқарилди.

БИРДАМЛИК ШИОРИ ОСТИДА

ПАНАМА, 3 март. (ТАСС мухбири). Лотин Америкаси меҳнатқашлари касба со-юз бирлиги доимий конгресси беш кенгашининг бу ерда ўта-ётган бешинчи сессиясида ик-кунчи касба со-юз ҳаракатини ривожлантириш ҳозирги бос-қичида шу прогрессия ташки-лотининг вазифалари тўғриси-даги доклады муҳомада қи-линди.

Лотин Америкасидаги йигир-ма мамлакат касба со-юз бир-дамларининг делегатлари таъдими этилган ҳужжатга юксак баҳо бердилар. Улар империализмга қарши кураш

ягона стратегиясини ишлаб чи-қиш тўғрисидаги фикрини яқ-диллик билан қўлаб-қувват-ладилар.

Мажлис қатнашчилари Чили халқининг фашизм хунтасига қарши кураш билан бирдам-лик кампаниясини амалдаш-тириш тўғрисидаги таклифини қўлаб-қувватладилар.

Лотин Америкаси меҳнатқаш-лари касба со-юз бирлиги доимий конгрессининг беш кенгаши Парагвай, Уругвай, Гватемала, Никарагуа ва бош-қа мамлакатлар халқларининг демократия ва эркинлик учун кураш билан бирдамликларини билдирди.

АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 3 март. (ТАСС). АҚШ давлат секре-тари Г. Киссинжер Хьюстон шаҳрида сўзлаган нутқини Кушма Штатлар билан Лотин Америкаси мамлакатлари ўртаси-даги муносабатларга ба-ғишладди.

У, йўмладан, бундай деди: Америка давлатлари ташкило-ли томонидан 1964 йилда Ку-бага қарши қабул қилинган қоралар бекор қилинмагунча АҚШ билан Куба ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай ўзгариш бўлиши мумкин эмас. Ҳолбуки, Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мам-лакатлар ташқи ишлар минис-трларининг яқинда Кинтола бў-либ ўтган кенгашида худди

мана шу АҚШнинг тутган позицияси бу муҳим пробле-мани ҳал этиш йўлидаги асо-сий тўсиқ бўлиб қолганлиги маълум.

Г. Киссинжер Панама на-кади проблемасига тўхталиб, АҚШ Панама территориясини-нинг шу исми устидан назо-рат ўрнатил ҳуқуқига эга бўл-ган 1903 йилдаги шартнома эскириб қолганлигини уқти-риб ўтди. У навал АҚШ учун го-ял муҳит аҳамиятга эга бўл-ганлиги туфайли «янг шарт-нома канал» зонасининг ўзоқ мuddат давомида Қўшма Штатлар томонидан бошқари-лиши ва мудоффа этилишини назарда тутмоғи керак» деди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Социалистик Руминияда сув ресурсларидан рационал фойдаланишнинг кенг программаси амалга оширил-моқда. Ҳозир мамлакатнинг «Илмий-таълим биродини утга-дари» — Яла, Дрананага, Сегеуе дарёларини оқиб қилиш юзасидан иш бошланиб кетди. Тузилган лойиҳа бўйича Др-ганадада тўғон қуриш ва 120 миллион куб метр сув сийдаган сув омбори барпо этиш назарда тутилди. Сув 4 километрдан тунел орқали Ремеидидаги ер-ости электр станциясининг тру-биналарига қараб оқади. Электр станция 146 минг киловатт қу-ватга эга бўлади.

ГАВАНА. Кубада парранда-чилик халқ ҳокимияти йиллари мобайнида индустриал наза қи-рипти. 1974 йилда паррен-

дацилик корхоналарида 1 мил-лиард 705 минг донагача туҳум етиштирилди.

БЕЛГРАД. Югославияда энг катта лигити қонларидан бири — Колубара кўмир ҳавзаси 600 квадрат километрдан ҳам кенгроқ майдонни эгаллаб ту-рибди.

Хавзада ҳар кун ўрта ҳи-собида 25 минг тоннагача кўмир қазиб чиқарилади.

Йили беш йил мобайнида Колубара ҳавзасини ривожлан-тириш программаси тасдиқлан-ди. Бу программа янгидан-янг и разрезларни ишга туши-ришни ва «Тамнава» қони қу-рилишини назарда тутди. Кол-убара ҳавзаси 1979 йилда 22 миллион тоннага яқин, ҳозир-гача қараганда уч баравар кў-мир беради.

ВИЗИТ ЯКУНЛАРИДАН МАМНУНИЯТ

ЛИССАБОН, (ТАСС). Яқин-да Совет Иттифоқига келиб кетган Португалия делегация-сининг бошлиғи, саноат ва эко-номика бўйича давлат секре-тари Жозе Ди Мелу Торрей-Кампуш шу сафарининг натижа-лари тўғрисида Португалия ми-нистрлар кенгаши мажлисида доклад қилди. У энергетика ва рағли металлургия соҳаси-да илмий-техникавий ва иқти-содий ҳамкорлик масалалари юзасидан Совет ҳукумати ва-

чилари билан олиб борган му-зокараларнинг якунларидан мамнун эканлигини билдирди.

Давлат секретари бундай ҳамкорлиқни саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам кенгайтириш учун имконий борилигини уқти-риб ўтди.

Португалия делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафа-ри якунлари Португалия мат-буотида қизғин муҳомада қи-линмоқда.

Г. ШМИДТИНГ ХИТОЙГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ КЕЧИКТИРИЛДИ

БОНН, (ТАСС). ГФР феде-рал канцлери Г. Шмидт Хитой-га қиладиган ва март ойининг охирига белгиланган визитини бормунга кеч мuddатга суриди.

ГФР ҳукуматининг вакили канцлернинг бу қарорини унинг

саломатлиги ёмонлашганлиги билан изоҳлади.

Айни вақтда вақил медин-на таъширларнинг кўрсатиши-ча, «канцлернинг соғайиб қо-лишини яқин вақт ичиди кутиш мумкин», деб илова қилди.

ЧҲПОН БОБО

Шўрча сой массивидаги ҳар бир қария эр, кенг ялловлар Бараста бобо Мирзаев учун таниш, қадрдон. У бу ерларда 1947 йилдан бери кўй бориб келаяпти. У Бекобод районидagi «Ленинград» совхозининг некса чўпонларидан. Бараста бобо 63 баҳорини қарши олме-ган бўлса ҳам ҳали тетик. У совхозда қўйчиликни ривож-лантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ҳозир, — дея ҳикоя қи-лади Бараста бобо Мирзаев, — отарларда совхознинг 2300 бош

қўйи боришмоқда. Биз қўнла-тиш кампаниясига пухта тайёр-ланамиз. Қўйларни қишло-дан бехатар олиб чиқиш учун бир тану-бир жон бўлиб ҳара-кат қилаётибмиз. Мен ўзим ҳозирги кунда 700 бош қўйни қишлоддан соғлом, семиз олиб чиқиш ҳаракатидаман. Ҳаде-май айдовларда кўм-кўк май-салар баҳмал ёзади. Ана шун-да отарлар ортидан юрши яна-да ташли бўлади. Бу йилги мақсадим катта. Ўтган йили бо-қимидagi қўйлардан жами уч-тона жу қирқиб, давлатга

тошпирган эдим. Бу йил 700 бош қўйдан 4000 килограмм жу қирқиб олмақчиман. Чўпон бобо бу йил юксак марраларни қўлаб меҳнат қилмоқда. Унинг меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томо-нидан муносиб тақдирланмоқда. Кека чўпон ўз касбини улуг-лаб келатганлиги учун 1970 йилда Ленин ордени билан тақ-дирланган эди. Унинг кўксига кўп йиллик меҳнат натижалари-нинг рамзи — «Меҳнатда ўр-нак кўрсатганлиги учун» меда-ли, «Социалистик мусобақа ил-гори» нишонлари порлаб туриб-ди. Мана эдиликда у енгил машиналар ҳам бўлди. Меҳна-тининг зебу зийнатинг, деғалари шу бўлса керак.

Бараста бобо совхозда яго-на чўпон эмас. Унинг шогирд-

лари, биргалишиб яйлов кезаёт-ган ҳамкасблари бор. Чўпон-лардан Мухаммадали Мирзаев, Махмуд Исмомов, Абдунаби Ўзробек, Абдухалил Кане-лар ҳам чорва жондорлари-дан. Улар бу йил ҳар юз бош соғилдан 105 бошдан кўн олиб, қўйлар туғганин совхоз бў-йича 3500 бошга етказишни, совхозда пландаги 1250 ўрнига 1450 бош кўн олишни қўлаш-моқда.

Совхоз чўпонлари қўнла-тишни муваффақиятли бошлаш ва намунали ўтказиш учун пухта тайёрланаётдилар. Бун-дан ташқари улар бу йил дав-латга ўш тонна ўрнига ўш бир-тона жу етказиб беришдек юксак мажбурият олганлар.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.



ПЕРУ. Мамлакатда амалга оширилган аграр реформа қишлоқдаги ҳаётни тубдан ўз-гартириб юборди. 1969 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги кооперативлари ташкил этила-бошланди. Меҳнатчан деҳқонлар йил сайин ҳосилдорлигини оширмоқдалар. Чапдаги суратда «Каса Гранде» хўжалиғида шакарқамишини ўриш пайти. Ўнгдаги суратда халқ ҳаваскорла-ри фестивали қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.



ФРОНТ ЛАВҲАЛАРИ

Шу пайт душманинг бир ДО-Тидан бирданига пулемёт тириллаб қолди. Душман пулемёти бош кутаришга йўл қўймай, узлуксиз ўқ ушарди. Шу пайт тўрт жангчимиз 45 миллиметрли тўтин шиддат билан олдинга тизилиб қўйди. Жангчиларнинг кўкрагиди қатор-қатор орден ва медаллар бор эди. Ҳаммаси 25—30 ёшларда, заҳардаси йиллар эди.

— ДОТни, мўлжалга олиб, 10 та снаряд билан ўт оч! — деган команда янгради.

Душман пулемётининг овози ўчди. Жангчилар яна олға қараб кетишди. Ҳамма томондан ўқ овози эшитилар, қора тўтин ҳамма ёққа ёйилган эди.

Биз душманини таъқиб қилиб, бир қишлоққа етиб келдик. Уйлар панасига биқиниб олган душман бизларга қарата узлуксиз ўқ ушарди, олдинги сафдагиларнинг ҳужумини тўхтатибди. Тўғриси аса бу ерга ҳали етиб келмаган эди. Командирнинг буйруғи билан қишлоқ чеккасидида тепалик ортига жойлашиб олдик. Қўз офтоби каттиқ қиздиради, чопа вербиминистерлар қўз бўлиб кетган, чанковдан лаблар куриган.

Душман ҳамон пулемёт ва автотанклардан тўхтовсиз биз томонга ўқ ушарди. Сув минорасига ўрнашиб олган бир снайпер икки жангчимизни ярдор қилди. Бирини кўрган бир жангчи командирдан:

— Рухсат эдинг, минорадаги снайпернинг жасосини берай, — деб сўради.

Командирдан рухсат олган, минора томон эмаллаб кетди. Ҳамма унинг ҳаракатини кузатиб турарди. Бу жасур жангчи минорага ён томондан яқинлашиб, пайт пайлаб снайпер турган тўйнуки мўлжалга олди.

Тонг ёришган, қишлоққа кириб бордик. Душман бу ерда уш тўртта пулемётини қолдириб кетган эди. Тун яқиндан сўнг пулемётчилар ҳам жуфтаник ростлаб қолган экан.

Қишқимиз Запорожьега кириб бордик. Душмани таъқиб қилишда давом этдик.

ЮЗМА-ЮЗ

Қиш яқинлашиб, ёғин-сочини туманли кунлар бошланди. Мустақам муҳофиза истеҳкомларидан сўриб ташланган душман чеканар, қисиларимиз уни шиддат билан таъқиб қилиб борардик.

Эрта тонгда қишқа дам олишдан кейин батальон яна марш билан йўлга тушди. Энг олдинда бизнинг взвод борардик. Взвод командир:

— Романовский, Никитин, Файзиев — дозорга! — деб команда берди.

Дозорчилар аввал дараклар сийрак ўтган дала йўлидан борардик. Кейин бирон пистирмага дуч келиб қолмаслик учун йўлдан 200 метрча четлашиб ўйордик. Кичик бир дарёга етганда кўприк томон бурилишдик. Дарё бўйида туман янада қулоқлашган. Ҳар қадамда паст бўлиб серошх дараклар учурардик.

Учара жангчи кўприкка чиқинди-ю, урта фашиста юзма-юз келиб қолдик. Душман солдатлари ҳам йўлдан адашиб, кўприкка қараб келаркан экан. Орадаги масофа уч қадамдан ошмас эди. Автоматларни елкадан олишга ҳам улгурмай, бир-бирларига ташландик. Каскалар бир томонга автоматлар иккинчи томонга унчи кетди. Жангчиларимизга орқадан ўзимизникилар келаркан катта далада бегишлар, улар душман билан шерда олишаркан эди.

Биз тўқнашув содир бўлган жойга етиб келиб, йўл устида олти гавдини айкаш-уйқаш бўлиб ётганимиз кўрдик. Шинеллар у ёқда турсин, гимнастерка ва кичи кўйлаклар ҳам тиле-пора бўлиб кетган, юзлар коматалар, қонга беланганди. Жангчиларимизга дарҳол биринчи ёрдам кўрсатиш ва модсанбатга жузланди. Биз яна сергалланган ҳолда олға қараб юриб кетдик.

Учинчи кун кечаси душман позициясига дуч келдик. У бетўхтов, бемўлаҳи ўқ ушар, ёритилган ўқ омонда узун из қолдириб, бошимиз узра учарди. Эмаллаб бориб белгиланган жойдан оқоп қазинга киришдик. Кейин уни траншеяга айлантирдик.

Взвод командир: «Разведка маълумотларига кўра, бизнинг

олдимизда СС қўшинлари турибди. Душман ҳарбий техникани ташлаб чекинишни сира истамаяпти. Лекин, биз уни чекинишга мажбур қилишимиз керак. Душманинг қарши ҳужумга ўтиш эҳтимоли ҳам бора деб оғохлангандик.

300 метр орқадан яна бир траншея қазилди. Уртадан йўл очилди.

Тонг шиддатли отишма билан ёришди. Ҳар икки томондан тўп-лер бетининг снаряд ёғдиранди. Қўёш чиқиши билан отишма яна кучайди. Траншеядан бош кўтаришга имкон бўлмади қолди. Бир пулемёт ишдан чиқди. Олдинда ченг-тўзон ва қоп-қора тўтин орасида душман шарпаси кўринди. Қандайдир бақирчи-чақирчилар эшитилар, душман мўр-малаҳдай биз томонга қараб ўрмалаб келарди. Худди шу пайтда бизнинг ўнг томонимизда пулемёт ёнига ҳам кетма-кет снаряд тушди. Пулемёт расчёти устига ботмон-ботмон тўп-роқ ёғилди.

Биз траншея тўп-роқ устига беш-ўнтадан гранаталарни териб қўйиб, автоматлардан тинмай ўқ ёғдириб турдик. Лекин ССчилар ҳайқириб, автоматларни ўқталганча бир туриб, бир эмаллаб биз томон сийкири эди. Худди шу пайт ўнг томонимизда пулемёт кич тўп-роқ орасидан бош кўтарди, жон-жаҳди билан пулемётга ёпишиб, ўқ узра бошарди. Тика келатган беш-ўн гитлерчи муккасида ёниқилди. Қолганлари ерда ётган бош кўтармай қолди. Биз уларнинг устига граната ёғдирик. Фашистлар талафот кўриб, ўз траншеяларига чекинди.

Шу пайт полк командирининг алоқасига келди. Жангчининг боришини ўз команда пунктидан кузатиб турган полк командирини жасур пулемётчини Қизил Байроқ ордени билан тақдирлаганини, бутун взвод жангчилари ҳам ордени ва медалларга тақдим этилаётганини маълум қилди.

Шу кунги кечга яна душманининг тўрт ҳужуми қайтарилди. Қорунгу тушди — билан бизнинг ўрнимизни янги қисс эгаллади.

МАХСУС ГРУППА

Январь ойининг охирилари. Қор тиззадан келарди. Белорусиянинг бопеи қарағайзорлари совуқдан қариллаб гўё инграётгандек туюларди.

Ярим кечда 16 нафар жасур жангчи тиззадан қор кеңиб қарши томон йўл олди. Улар портлатувчи моддалар, радио-переватчик ва бошқа ашъалар билан қуролланган. Уларга душман орқасига ўтиш, фронт штабни зарур маълумотлар билан таъминлаб туриш, душман эшелонлари, қурол-яроғ омборларини портлатиш, партизанларга ёрдам бериш вазифаси юкланган. ГРУППага старший лейтенант Федор Кончик командир қилиб тайинланган. У сибирлик бўлгани учун радио лақаби «Сибиряк» эди.

Энг олдинда Петр Дружинин билан Файзулла Қосимов боришарди. Эндигина 20 ашга тўлган бу белорус ва ўзбек йигитлари бундан биринча кун аввал душман орқасига ўтишга тайёргарлик кўриш пайтида танишган эди. Буронли қиш тун жангчиларга кўз келди. Душман соқчилари семади. Қўл ўтмай душман оқоплари орқадан қолди. Жангчилар энди коматларини ростлаб, қадмаларини тезлатишди. Урмон ичига кириб қуздан гойиб бўлишди. Белгиланган жойга етиб билинжалар қовлаб жойлашиб олди. Ф. Конников 4—5 кишидан иборат оператив группа тузди. Петр Дружинин, Файзулла Қосимов, Александр Данилов ва Василий Роговоларга Полочк — Ви́тебск йўлида душман ҳаракатини кузатиш, поездаларни портлатиш вазифаси юкланди.

Эртасига саҳар вақтида жангчилар темир йўлга қараб йўл олди. Қўлай жойини танлаб афроник кузатишди. Ҳар қал поезд ўтиш олдидан дрезина (қўл билан ҳаракатланган дрезина) темир йўл орачасидида душман патруллари ўтарди. Иккинчи марта дрезина ўтиб кетиши билан Петр ва Файзулла портлатиш моддаларини олиб темир йўл рельси тагига қўйиб бошлашди. Данилов билан Рогов автоматни шай тутиб уларни қўриқлаб туришди. Йигитлар чак-қон ҳаракат қилиб, портловчи

моддани ўрнатиб жойларига қайтишди.

— Вақт жуда секин ўтарди. «Мина портлармикини» Биринчи операция қандай ўтади», деб ҳаммалари ҳаяжонланар эди. Бир маҳал қарши томондан яна бир дрезина ўтди. Кейин паровознинг тўдоғи эшитилди. Паровоз олдинда платформа бор эди. Унда қуролли фашистлар тик туриб келишарди. Агар мина шу платформа тагига портласа, поезд шикасталмаслиги мумкин эди. Ҳайрият платформа етарли даражада оғир бўлмаганини учун мина паровоз тагига портлади. Гумбураган овоз ўрмонни ларзага келтирди. Снаряд ва ўқ-дор юланган 12 вагон кетма-кет қулаб, ёнган бошланди. Бу пайтда йигитларимиз беҳавотир жойга етиб олган эдилар.

Жангчилар шу кечаёқ жойларини ўзгартиришди. «Катта ердан янги топшириқ олинди. Энди йигитларга Полочк-Бигосово темир йўлини портлатиш вазифаси топширилди. Эрталаб ўрмонда кетатурсиб болта товушини эшитиб қолдишди. Қарашса, бир қол билан бир қиз ўтин кесаяпти. Йигитлар шу кунга қадар махаллий аҳолини қўришмаган эди. Даб-дурстан қуролли кишиларнинг пайдо бўлиши қолни ҳам, қизни ҳам эсан-қиритиб қўйди. Чолинг болтаси қўлидан тушиб кетди. П. Дружинин уларга белорус тилида сало-мол берди.

Чол ўз навараси билан Васильковичи қишлоғида истикомат қилишни, ундаги қишлоқ Совети биносида ҳозир вольность идораси жойлашганини, староста кеча Германияга жўнатилган билан рўйхатини тузганини, бу рўйхатда навараси Маринканинг ҳам номи борлигини сўзлаб берди.

П. Дружинин вольности яқсон қилиш, старостадан рўйхатини олишни таклиф қилди. Қоронги тушган, тўрт жангчи чол кўрсатганидек, старостанинг уйини осонгина топиб келишди. Эшикни аста тақиллатишди. Старостанинг ўзи чиқди.

Петр унинг кўкрагига автоматини тираб:

— Қишлоқни партизанлар ўраб олган, — деди, — ҳозир бизни вольность идорасига бошлаб бор.

Кўриб кетган староста дағ-дағ тираб, бутун ҳужжатларини берди. Йигитлар ундан ҳужжатларини партизанларга ўз ихтиёри билан, берди. Деган мазмунда тилхат ёздириб олишди. «Агар хоҳлик қилишни дарҳол эътирсанг, ушбу тилхат немис комедатурасига бориб тушади», деб оғохлантиришди.

Йигитлар ўрмон ичига кетатурсиб, пастлаб ўчиб келаркан немис самолётини кўриб қолди. Учувчи ҳам партизанларни сездан шекилди, дарҳол орқага бурилди. Жангчилардан бирида соқчиларни отишга мўлжалланган снайпер мийлиги бор эди. У учувчини нишонга олди. Ўқ узилди. Шу пайт самолёт бирдан пастлаб, ланг-лаб бориб ўрмон четига қўнди.

Йигитлар самолётга қараб юғришди. Кабинадан икки учувчи чиқиб пистолетдан ўқ уза-уза ўрмонга чекинишди. Йигитлар уларни ўраб олди. Отишма бошланди. Учувчилардан бири ўлдирилди. Иккинчиси асирга олинди. Маълум бўлишча, штурвалда ўтирган учувчи учувчи снайпер ўқидан ҳалок бўлган эди.

Асир олинган овер лейтенант ҳаётини сўлаб қилишни, командирга олиб боришни сўради, қимматли маълумотлар бераганини айтди. Йигитлар самолётдан рақия, соат, парашют ва йирик каллибри пулемётни ўлжа олишди, уни ёндириб юборишди. Орадан 3 соат ўтар-ўтмас самолёт қўнган жойга немис патруллари оварчалар билан етиб келишди. Ҳаммаёқни алғов-дағов қилишди. Лекин бу пайтда бизнинг жангчиларимиз гойиб бўлган эдилар.

Асир олинган учувчи: Гомель шаҳри ёнида пухта яширилган катта аэродром борлигини, шунингдек, ҳарбий қисм ўрнашган жойларини айтиб берди. Бу маълумотлар фронт штабига юборилди. Орадан икки кун ўтган, Гомель шаҳри ёнидаги аэродром кучли бомбардирмон қилинди. Бу тўғрида Совинформбюро ахбороти эълон қилинди. Жасур разведкачиларга эса Қўмондонлик ташаккур билдириди.

Б. ШОНАЗАРОВ.

Ўтган дам олин кун кўп сонли футбол мухлислари соғиниб қолган стадион томон йўл олди. Ёш футболчилар ўртасида ўтган йили Тошкентда ўтказилган IV халқаро турнир мусобақалари мухлисларга жуда манзур бўлган эди. Шунинг учун ҳам улар бу сафарини ўйинларини ҳам катта қизиқиш билан куттишди.

Майин эсиб турган баҳор шабдасида командалар бирин-кетин майдонга тушиб келишди. Турнирнинг бош судьяси Б. Баклунов командалар мусобақаларини очилишга тайёр эканликлари ҳақида рапорт берди. Халқаро турнир ташкилий комитетининг раиси А. М. Ҳўжаев мусобақа иштирокчиларини табриқлаб, республикамиз спортчиларининг тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалари ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнгра футбол ветеранлари турнир иштирокчиларига эсдалик нисмеллари, ёш пахтакорчилар эса анчоқ ва гуллар ҳадя этдилар.

Козанда капитанлари турнир байроғини кўтаришгандан сўнг майдонга СССРнинг биринчи терма командаси билан Чехословакия футболчилари тушди.

... Анъанага айланиб қолган бундай турнир биринчи марта бундан тўрт йил муқаддам Ашхобода ўтказилган эди. Бунда 6 команда қатнашган бўлиб, Чехословакия ва Германия Демократик Республикаси футболчилари финалга чиқишганди. Бу командаларнинг баҳси 0:0 ҳисобида тугаб, группадан ўйналарда Чехословакия футболчиларининг тўғриси исботи ахши бўлганлиги сабабли улар турнир толиби бўлишганди.

1972 йили турнир ҳам Ашхобода ўтказилди, бу сафар 8 та команда беллашди. Финалда СССР терма командаси устидан 1:0 ҳисобида ғолиб келган Югославия футболчилари би-

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР КУРИГИ

ринчи ўринни олишди. 1973 йили турнир ҳам Туркманистон пойтахтида ўтказилиб, бунда СССР терма командаси Германия Демократик Республикаси футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб турнир совриндори бўлишди. Ўтган йили Тошкентда ўтказилган турнир футбол мухлисларининг ёнида. Бундай масъулиятли мусобақада биринчи бор қатнашган республикамиз вакиллари аввалги СССРнинг иккинчи терма командасини, сўнгра Польша футболчиларини мағлубиятга учратиб, Германия Демократик Республикаси командаси билан бўлган ўйинини дуранг қилиб, 5 очко билан ўз группасида биринчи ўринни эгаллаган, финалда эса СССР биринчи терма командаси билан учрашиб, матчи дуранг қилган эди. Фақат 11 метрлик тўплар тешишда ён босиб иккинчи ўринни эгаллаган эдилар.

СССР — 1 — Чехословакия матчида командамизнинг устулини ўйин бошлашидан оқ-қоқ сезилди. Ҳужумчилар Алексей Белеков, Владимир Сидельник, Андрей Редкоуслар ярим ҳимоячилар Александр Хансалес, Михаил Бондаревлар доимо қўллаб-қувватлаб туришди. Тўққизинчи минутда А. Белеков узатган тўпни қабул қилиб олган А. Редкоус уни дарвозага йўналтирди. Орадан кўп ўтмай командамиз яна му-

ваффақиятга эришиши мумкин эди. Лекин Н. Васильев рақиблар штраф майдонига қўлай имкониятда турган дўстларига тўпни вақтида ошприб бера олмади. Лекин ҳужумни бушаштирмаган футболчиларимиз 31 минутда ҳисобни яна оширдилар. А. Белековнинг кучли зарбасидан кейин ҳисоб 2:0 бўлиди. Учрашунинг иккинчи терма командаси — ўйинчилари (46-минутда А. Хансалес, 61-минутда А. Белеков) иккита тўп киритиб умумий ҳисобни 4:0 га етказдилар.

Турнир байроғи кўтарилгунга қадар «Старт» стадионида «А» группаси қатнашчилари Польша Халқ Республикаси билан Финляндия коллективлари учрашдилар. Бунда Польша футболчилари 1:0 ҳисобида устун келишди.

Кеча «Б» группасида иккита учрашув бўлди. Ўзбекистон футболчилари Венгрия Халқ Республикаси коллективини билан, СССРнинг иккинчи командаси эса Германия Демократик Республикаси футболчилари билан беллашдилар.

Ўзбекистон ёш футболчилари бу сафар ҳам турнирда тренерлар С. Арутунов билан В. Қаҳҳоров раҳбарлигида тайёргарлик кўришар. Командамиз аввалгидек бу сафар ҳам мухлисларнинг широйин ўйинлари билан ҳушнуд элади деган умиддамиз.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Суратда: СССР-1 — Чехословакия командалари ўртасидаги учрашув пайти. Т. Каримов фотоси.

Мусобақалар 9 мартгача давом этади. Халқаро турнирнинг кейинги учрашувлари календарини қуйидагича:

«А» ГРУППАСИ
4 МАРТ
17.00. — Финляндия — СССР — 1; Чирякнинг «Химик» стадиони.
5 МАРТ
17.00. ВХР — СССР — 2
Чирякнинг «Химик» стадиони.
6 МАРТ
17.00. — СССР — 1 — ПХР
«Трактор» стадиони.
17.00 ЧССР — Финляндия.
«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозини стадиони.

«Б» ГРУППАСИ
5 МАРТ
17.00. ВХР — СССР — 2
Чирякнинг «Химик» стадиони.
7 МАРТ
17.00. СССР — 2 — Ўзбекистон ССР «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозини стадиони.
17.00. ГДР. — ВХР «Юбилей» стадиони (Тўйтепа).
Турнир ғолиби 9 март «Пахтакор» стадионида аниқланади.

Ўқувчилар спартакиадаси

2 мартда Тошкент шаҳар ўқувчилар спартакиадаси программасида қўл түпи мусобақалари бошланди. Мусобақалар бошлангич олдидан СССР спорт мастери, республика тоифасида судья С. И. Сиротенко, спартакиада ташкилий комитетининг вакили 5-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори В. И. Боронин ва мусобақа бош судьяси В. Я. Андрейчук ўртоқлар шаҳар ўқувчиларининг мусобақаларига қандай тайёргарлик билан келганликлари ҳақида ахборот бердилар.

Сўнгра 356 ўқувчи иштирокчида спорт паради бўлиб ўтди.

Республика тоифасида судья С. И. Сиротенко мусобақа майдонига икки раён — Собир Раҳимов ва Сергел районларини спортчилар ўқувчиларини таклиф этади. Қизилқил қураш остида ўтган мусобақаларнинг биринчи кунда Собир Раҳимов район ўқувчилари 27:7 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Мусобақаларда шаҳарнинг ҳамма раён ўқувчилари ўзаро куч синашдилар. Ўқувчилар спартакиадаси 9 мартгача давом этади.

Қ. НУРМУҲАМЕДОВ, 5-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тренери.

Икки ғалаба

Тошкентдаги СКА спорт залида «А» класс эркалар командалари ўртасида СССР чемпионатининг финал ўйинлари давом этмоқда. Тошкент Давлат университетини баскетболчилари чемпионатини муваффақият билан бошлаганлари тўғрисида хабар қилган эдик.

Ҳамшаҳарларимиз кейинги ўйинларда ҳам ишқибозлар таҳсинига сазовор бўлишар. Улар «Спартак» (Николаев) командасини 70:62, Ленинград армиячиларини эса 97:76 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Кеча «Университет» «Зенит» (Москва) командаси билан куч синашди.

Мағлубият ва ютуқ

«Бинокор» хоккейчилари мамлакат чемпионатининг галадаги турида турнир жадалви пешқадамларидан бири Тюмень шаҳрининг «Рубин» командаси билан учрашдилар. Биринчи ўйин меҳмонлар устулигида ўтди —

2:5. Қайта учрашувда эса тошкентликлар 5:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Энди ҳамшаҳар хоккейчиларимиз 5 ва 6 март кунлари Тошкентда «Титан» (Березники) билан учрашадилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — «Дом тайер». 19.10 — «Ахборот». 19.25 — Халқ контроли апарни. 19.55 — Шоир қалби. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — «Бунёдкор». 22.00 — «Витя». 22.30 — Ўшшоқ ҳўмалити биланлар телевидение жўк ўнч верситет. 23.00 — Кино оламиди. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўғув кўрсатув. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиланлар. 19.15 — Кувонқ ноталар. 19.30 — Унутимас учуришувлар. 20.00 — Фильм-концерт. 20.15 — Ўйбўларсини ўргатуви (бадий фильм). 20.40 — Хўжакити кино апарни. 22.30 — Витя немалг, қизлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўғув кўрсатув. 20.10 — Хўжакити фильм. 20.30 — Концерт. 21.00 — Тошкент янгиланлар. 21.15 — Момо ер (бадий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИН ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4111 да Луқаш Ботир, 5111 да Луқаш Ботир, 6111 да Алжонларим (кундуз 2.00 ва кечкурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4111 да Ҳар хонадонда байрам (17.00), 5111 да Ҳар хонадонда байрам (17.00), 6111 да Нон, қон, инсон (18.00).

КИНО

Халоскорлик — (1 ва 2 сериялар) САҲАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун).

Привалов миллионлари — «ЧАП-КА» (кундуз ва кечкурун).

Менинг тандирим — «КОМСОМОН 30 ПИЛЛИТИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Авлодлар иқдоси — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ПИЛЛИТИ» (кундуз ва кечкурун).

Коммунатор — 330249 дан 330258 гача.

Ўйинлар — 338142.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облсполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР